БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№79 (224) 2018 йил 9 октябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Париж, 8 октябрь. ЎзА махсус мухбири Абу Бакр ЎРОЗОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 8 октябрь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган «Орли» халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Франция Республикасининг расмий шахслари кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот Бош директори Одри Азуле билан учрашди.

Президентимиз Франция Республикасига ташриф ЮНЕСКОда учрашувдан бошланганида чуқур рамзий маъно борлигини, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Одри Азуле давлатимиз раҳбарини ташриф билан самимий қутлаб, Ўзбекистон билан ҳамкорлик ривожида ушбу учрашув ғоят муҳимлигини қайд этди.

Мамлакатимиз ЮНЕСКО Ижроия кенгаши таркибига икки марта сайланган. Томонлар Ўзбекистоннинг бой маънавий меросини тиклаш ва чуқур ўрганиш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, маданият, таълим, фан ва бошқа соҳаларда турли лойиҳаларни биргаликда амалга оширмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги тарихий-маданий объектлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Бухоро шаҳри ташкилотнинг «Тинчлик тарафдори бўлган шаҳарлар» соврини билан тақдирланган.

Хивадаги «Ичан қалъа» мажмуаси, Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабзнинг тарихий марказлари, Чотқол биосфераси ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Бойсун маданий мероси, Наврўз, Шашмақом, Катта ашула, аския, ош, атлас ва адрас ишлаб чиқариш технологиялари ташкилотнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатидан жой олган. Усмон Қуръони ва Шарқшунослик институти қўлёзмалар тўплами ЮНЕСКОнинг «Жаҳон хотираси» рўйхатига киритилган.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги ўзбек мумтоз мусиқий меросини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва оммалаштиришга ҳам хизмат қилмоқда. Хусусан, ЮНЕСКО шафелигида Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинаётган бўлса, жорий йил сентябрь ойида Шаҳрисабзда илк бор Халқаро мақом санъати анжумани ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхонаси таъсис этилди.

Таълим соҳасида ҳам истиқболли ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида жисмоний ва маънавий баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган сиёсатни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил сентябрь ойида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ва Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

ЮНЕСКО Бош директори Ўзбекистон Президентининг ушбу ташкилот шафелигида тинчлик ва бағрикенглик маданиятини шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек номидаги халқаро институт ташкил этиш, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича минтақавий марказ ҳамда Самарқанд «Ипак йўли» туризм халқаро университетида ЮНЕСКО кафедрасини тузиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

(Давоми 2-бетда)

Депутат фикри

## Ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда

Франция узоқ тарихга эга, иқтисодиёти, маданияти, илм-фани ривожланган, икки юз йилдан ортиқ демократик тараққиёт тажрибасига эга мамлакат сифатида эътироф этилади. Йирик индустриал-аграр мамлакат сифатида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми бўйича дунёда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Мамлакат ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми салкам 3 триллион АҚШ долларини, ЯИМни киши бошига тақсимлаганда эса қарийб 45 минг долларни ташкил этади. Хорижий мамлакатларга сармоя киритиш ҳажми бўйича ҳам пешқадамлар сафида бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича дунёда АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради. Чунончи, биргина 2014 йилда француз компаниялари томонидан дунё мамлакатларига салкам 250 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилган. Жаҳондаги энг йирик 500 компаниянинг 39 таси француз компанияларидир.

Ушбу рақамлар ортидаги юқори иқтисодий салоҳият Францияга халқаро майдонда муҳим ўрин эгаллашга имкон бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, биринчилардан бўлиб мамлакатимиз мустақиллигини тан олган давлатлардан бири ҳам Франциядир. Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 1 мартда ўрнатилган. 1992 йил июнь ойидан бошлаб Франциянинг Ўзбекистонда, 1995 йил март ойидан эса Ўзбекистоннинг Францияда элчихонаси фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг фаоллашувида парламентлараро ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон – Франция» дўстлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Франция парламенти вакиллари мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро анжуманларнинг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Ўз ўрнида, Олий Мажлис вакиллари ҳам Францияда ўтадиган халқаро тадбир ва икки томонлама учрашувларда мунтазам қатнашиб келади.

(Давоми 2-бетда)





## Ўтмиш ва бугун туташган ҳайратлар ўлкаси

Бирор мақсад ёки бизнес сабаб Францияга йўл олган киши Париж ва у ердаги Лувр музейида бўлишни ният қилади. Йилига 9 миллион сайёҳ келадиган музей Париж шаҳрининг марказий қисмида, Сена дарёси соҳилида жойлашган.

Музейнинг асосий биноси собиқ қирол қасридир. Франция тарихи ва маданияти, архитектура ёдгорликлари доим дунё диққат марказида бўлиб келган. Ўтмиш ва бугун туташган ушбу мамлакатда тезкор давр янги-янги иштиёқ ва қизиқишларга йўл очгандек. Музейга қадам қўяр экансиз, Миср эҳромларига қиёсан бунёд этилган ойнаванд Лувр пирамидасига дуч келасиз.

Лувр антик даврдан бошлаб инсоният тарихига оид кўплаб нодир экспонатларни асраб келаётган муҳташам музей. Бу ерда бебаҳо санъат асарлари, осори-атиқалар кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Музейда Шарқ, Юнон, Рим тамаддунига оид ноёб ашёлар ҳамда ислом маданиятига оид манбаларга алоҳида ўрин ажратилган. 2 минг 500 дан зиёд экспонатни ўз ичига олган асосий залда Франция қироллиги тарихи, санъат асарларининг гўзал намуналари жойлашган.

Суратлар залида эса оламни лол қолдирган мусаввирлар Леонардо да Винчи, Рафаэль, Эжена Делакруа, Андреа Мантенья асарлари сизни ҳайрат оламига бошлайди. Ҳайкалтарошликнинг санъат асари даражасидаги намойишидан ёқа ушлайсиз.

Ҳайратлар ўлкасида яна сиз Эйфель минораси маҳобатини томоша қилиб, Франция тимсолига айланган пишлоқдан татиб кўришингиз мумкин. Айтганча, бу ўлкада ҳар куни таомномага оид иккита китоб чоп этилади.

600 йилдан буён моҳиятан ўз шаклини йўқотмаган француз тили бугун деярли 30 дан зиёд давлатда қўлланилади. Француз романлари қаҳрамонларини «ўзиники қилиб олган» халқлар қаторида нозик дид ва қалб эгалари бўлмиш Франция халқига ҳамиша эҳтиромдамиз.

**Дилором ТИРКАШЕВА.**
**ЎзА.**

## Ўзбекистонни кўриш истагидамиз

Бугун Париж кўчаларида францияликлар билан суҳбатлашган киши тез-тез ана шундай фикр-мулоҳазаларни эшитиши мумкин.

Бунга ушбу мамлакат фуқароларининг Ўзбекистон ҳақида билдирган қуйидаги фикрлари мисолида яна бир бор гувоҳ бўласиз.

**Лионель РАПАЙЛЬ, Европа инвестициялар банки департамент бошлиғи:**



– Бугун Европа инвестициялар банки учун муҳим кун. Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатиб, илк қўшма лойиҳамизни молиялаштирдик. Бу лойиҳа мамлакатингиздаги қатор шаҳарлари сув таъминотида санитарияни яхшилашни кўзда тутади. Биз, шунингдек, энергия самарадорлигини оширишга оид лойиҳаларни ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Бугун Парижда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Франция бизнес-форуми доирасида қиймати 10 миллион евродан ортиқ шартнома имзоладик. Айни пайтда транспорт, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳалардаги лойиҳалар устида ҳам иш олиб боряпмиз. Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатганимиздан хурсандмиз.

**Мадлен БАРСО, ўқитувчи:**



– Ўзбекистоннинг мамлакатимиз билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилаётгани францияликларни қувонтирмоқда. Тарих китобларида Амир Темур ҳақида ўқиганмиз. Париждаги Лувр музейида ўша даврга оид кўплаб экспонатлар билан танишганман. Яқинда таълим соҳасида Ўзбекистондан делегация келгани ҳақида ўқидим. Мактабгача, мактаб, ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилибди. Бу жуда яхши. Ўзбекистонда француз тили ва маданияти марказлари ташкил қилиш, икки мамлакат таълим вазирликлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тарафдоримиз.

**Антуан ДРАСТИНГ, меҳнат фахрийси:**



– Парижга мамлакатингиздан кўплаб сайёҳлар ташриф буюради. Энди францияликлар ҳам Ўзбекистонга боришни хоҳлашмоқда. Бу икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаришда муҳим роль ўйнайди.

(Давоми 2-бетда)









Франция Ўзбекистоннинг Европа қитъасидаги муҳим савдо шериги. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 251 миллион АҚШ долларидан ошди.



# ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда Марказий Осиё ёш олимлари минтақавий форуми ҳамда 2019 йилда Тошкентда «Ахборот технологиялари маданий меросни асраш хизматида» мавзуида Осиё форумини ўтказиш борасида келишувга эришилди.

Бош директор Одри Азуле Ўзбекистоннинг бутун инсоният бойлиги бўлган маданий-тарихий меросни асраб-авайлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги 2018-2021 йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Бу ҳужжат муносабатларни янги босқичга кўтариш, томонлар олдида турган вазифаларни биргаликда инновациялар орқали ҳал этиш ва барча йўналишларда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКОнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларше билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Сенат Раисини Франция Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 60 йиллиги билан табриклади. Ушбу сана муносабати билан юртимизда ўзбек ва француз тилларида чоп этилган Франция Конституциясининг илк нусхасини совға қилди.

Мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, улардаги дўстлик гуруҳлари туфайли анча фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар парламентлараро муносабатлар соҳасида ҳам жадал ривожланмоқда. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи тузилган, 2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон – Франция» дўстлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 2008 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Франция инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган.

Франция билан кенг кўламли муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама амалий алоқаларни қамраб олган. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ва ҳудудлари ўртасидаги мулоқотни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Парламентлараро алоқаларни аниқ йўналишлар бўйича, жумладан, қўшма тадбирлар ва ўзаро ташрифларни мунтазам ташкил этиш, тажриба алмашиш орқали ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Франция Сенати Раиси мамлакатимизда иқтисодиётни тубдан модернизация қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишларни юксак баҳолади. Ўзбекистон яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган конструктив минтақавий сиёсат олиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Францияга илк расмий ташрифи узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорлик, жумладан, мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилиши қайд этилди.

Жерар Ларше Франция Сенати Ўзбекистон билан дўстлик риштaлари, ҳар томонлама самарали шерикликни мустаҳкамлаш йўлида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш ва уларга тизимли тус беришга тайёр эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Франция Сенати биносини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франциянинг энг йирик компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Унда «Тоталь», «Тоталь Эрен», «Орано», «Фивс Штейн», «Ранжис Семмарис», «Винчи», «Суэц», «Сад», «Идемия», «Мерсие», «Талес Алениа Спейс», Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби Европа ва жаҳон бозорида етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилаётгани, улар фаолиятини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилгани, ташқи савдо ва божхона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартирилгани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвестициялар бўйича кенгаш тузиш тўғрисида қарор қабул қилингани, унинг вазифаси инвесторлар фикрини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон инвестиция муҳитини изчил яхшилаб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат эканини таъкидлаб, франциялик сармоядорларни Кенгаш ишида фаол иштирок этишга таклиф қилди.

Франциялик тадбиркорлар Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни юқори баҳолаб, валюта тизимининг либераллаштирилгани, виза олиш тартиби соддалаштирилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратганини таъкидлади. Бундай қулайлик ва енгилликлар Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқишни кучайтирди. Давлатимиз раҳбари ташрифи арафасида умумий қиймати 5 миллиард еврога яқин инвестиция лойиҳалари бўйича келишувлар имзолангани бундан далолат беради.

Ўзбекистон ва Франция молиявий ташкилотлари, фирма ва компаниялари ўртасидаги шерикликни янада ривожлантириш, ўзаро товар етказиш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Франция Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

# Ўзбекистонни кўриш истагидамиз

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Боош БАЗЕН, иқтисодчи:**



– Ўзбекистонда барча соҳада ислоҳотлар амалга оширилаётганидан хабарим бор. Энг диққатга сазовор томони шуки, замонавий туризм инфратузилмаси ривожлантирилиб, сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун замонавий шароитлар яратилаётган экан. Яқинда мамлакатингизда бўлиб келган танишларим Ўзбекистон тарихий обидаларга бой мамлакат эканини айтишди. Демак, уларга қизиқувчилар кўп бўлиши табиий. Шунингдек, интернет сайтларида мамлакатингизда сайёҳликнинг янги турлари, жумладан, экотуризм ривожланаётгани ҳақида ҳам матбуотда ўқидим. Ўзбекистонда қўриқхоналар, миллий боғлар, табиий ҳудудлар, тарихий ёдгорликлар кўплиги экотуризмни истиқболли йўналишга айлантириш имконини беради.

**Милика ВАРИЛЬ, тадбиркор:**



– Асли италиялликман. Фаолиятимиз юзасидан турли давлат вакиллари билан ишлаймиз. Ўзбекистон ҳақида илиқ фикрлар айтишим мумкин. Мамлакатингиз иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланмоқда. Янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Бу яқин йилларда ўз самарасини беради. Менга кўпроқ иқтисодий лойиҳалар, инвестициялар жалб қилиш борасида ташаббуслар ёқмоқда.

**Моро БЕНУА, талаба:**



– Ўзбекистонга боришни мўлжаллаб турибман. Чунки, юртингиз тарихи мени жуда қизиқтиради. Интернет тармоқларида қадимий обидаларни асл ҳолича сақлаб қолиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам ўқиганман. Ўзбекистонга энг кўп сайёҳ Франциядан келишидан ҳам хабарим бор. Улар бир олам завқ ва таассуротлар билан қайтишади. Тарғибот ишлари натижасида Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларда буюк аждодларингизнинг юксак истеъдоди билан бунёд этилган обидалар ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини топмоқда.

**Симони ЛАУРЕНС, шифокор:**



– Кейинги пайтларда Парижда Ўзбекистонга бағишлаб кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Буни кузатиб шу нарсага амин бўлдимки, икки мамлакат турли соҳалар вакилларининг учрашувлари мамлакатларимиз ҳамкорлиги учун ғоят муҳим. Давлатингиз тарихи оламга машҳур, буни тан олиш керак. Буюк Амир Темур довруғини билмаган одам йўқ. Адолатпарварлик ва мустаҳкам ирода ўзбекларнинг қонида бор. Шундай экан, бугун дунёнинг кўплаб мамлакатлари Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантириш тарафдори бўлмоқда. Юртингизда, айниқса, Самарқандда бўлиш, унинг бетакрор обидаларини ўз кўзим билан кўриш менинг орзуим. Айтганча, сизларда витаминларга бой мевалар, полиз маҳсулотлари етиштирилиши ҳақида кўп эшитганман. Ўзим овқат тайёрлашни яхши кўраман, унга ишлатиладиган маҳсулотлар сифати доим мени қизиқтиради. Агар Ўзбекистоннинг сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олиб келинса, албатта харид қилган бўлар эдим.

**Сафия ДУПАРК, савдо ходими:**



– Бир неча йиллардан бери фармацевтика соҳасида ишлайман. Парижда ўзбекларни кўп учратиш мумкин. Ўзбеклар хушмуомала ва маданиятли. Июль ойида Ўзбекистонда бўлдим. Қадимий шаҳарларингиз билан танишдик. Меҳмондўст ва олижаноб халқингиз бор. Туризм йўналиши бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. Лекин қилиниши керак бўлган ишлар ҳам кўп. Сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун инновацион ёндашув талаб этилади. Ҳозир сизларда шундай қилиняпти экан. Бу мамлакатингизни яқин йилларда сайёҳлик соҳасида етакчи давлатлар қаторига олиб чиқишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

**Саинтоул АНАИС, компания вакили:**



– Ўзбекистон буюк санъат ва маданият юрти эканини эшитганман. Юртингизда санъат ва маданиятга алоҳида эътибор қаратилади. Яқинда бўлиб ўтган Халқаро мақом санъати анжумани ҳақида эшитдим. Ўзим ҳам санъат шайдосиман. Қадимий обидаларга ишланган нақшлар ақлимни олган.



Французларнинг Ўзбекистон – Франция ҳамкорлиги, халқларимизнинг дўстона муносабатлари ҳақида бундай илиқ фикрлар билдириши бежиз эмас. Бобокалонимиз Амир Темур асос солган дипломатик муносабатлар, хусусан, буюк Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI билан олиб борган ёзишмалари мамлакатларимизнинг тарихий алоқаларига замин яратган. Бугунги савдо-сотиқ, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг илдизлари ўша даврларга бориб тақалади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ва Франция муносабатларида янги саҳифа очилди. Ҳозирги кунгача икки мамлакат муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этувчи 35 ҳужжат имзоланган. Шундан 23 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳужжат, 12 таси идоралараро келишувдир. Ташқи ишлар идоралари ўртасида эса шу кунгача 10 марта сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилган.

Франция Ўзбекистоннинг Европа қитъасидаги муҳим савдо шериги. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 251 миллион АҚШ долларидан ошди.

Кейинги йилларда ижтимоий-маданий, маънавий соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича парламентлараро ва турли идоралараро делегациялар ташрифлари ҳам фаоллашди. Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик, айниқса, жадал ривожланмоқда. Хусусан, Франциянинг Сержи-Понтуаз университети билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзолангани бунинг далилидир.

Шу кунларда Францияда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш янада кучайган. Ушбу мамлакатда Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаёти, мавжуд салоҳият ва имкониятлари ҳақида юртимиз парламенти, илмий-академик, маданий, эксперт-таҳлилий доиралари вакиллари иштирокида турли тадбирлар, тақдимотлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Париж шаҳрида ўтказилган тантанали маросим, Ўзбекистон – Франция бизнес-форуми, шунингдек, «Le Village International de la Gastronomie 2018» гастрономик фестивали, «IFTM TOP RESA 2018» халқаро сайёҳлик кўргазмасида юртимиз вакилларининг иштироки, ўзбек санъат усталарининг концерт дастурлари франциялкларда катта таассурот қолдирди.

Хулоса қилиб айтганда, Франция билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги амалий қадамлар халқларимизнинг тарихий алоқаларига янги суръат бахш этиши муқаррар.

**А. ЎРОЗОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Париж.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги археологик тадқиқотлар институти олимлари билан Франция илмий марказлари ва университетлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган илмий лойиҳалар ўз самарасини бермоқда.

# Ўзбекистон ва Франция археологлари ҳамкорлиги



Мазкур лойиҳалар доирасида Шаҳрисабз шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида турли даврларга оид археологик ёдгорликлар ўрганилиб, бу қадимий гўшаларнинг ҳали фанга номаълум қирралари кашф этилаётир.

Сурхондарё вилоятида археологик тадқиқот ишлари олиб бораётган «Ўзбек-Француз-Бақтрия» илмий экспедицияси фаолиятига 24 йил тўлди. Қарийб чорак асрлик ўзаро ҳамкорлик алоқалари даврида халқаро экспедиция аъзолари Термизда салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Шаҳарнинг қадимги мудофаа тизими шаклланиши ва тараққиёт босқичлари атрофлича ўрганилаётир. Шунга мувофиқ, эски шаҳар бино ва иншоотларида, Чингизтепа номли иккита улкан қалъанинг сарой мажмуасида, буддавийлик ибодатхоналарида қазиш ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Эски Термиз шаҳри аҳолисининг алоҳида турар жой иншоотлари, айниқса, Кушон даврига оид бино, ўрта асрлар даври бинолари ва унга туташ мудофаа истеҳкомлари ҳам катта қизиқиш уйғотаётир.

Ўтган йилларда халқаро экспедициянинг бир гуруҳ аъзолари Сурхон воҳаси ҳудудини ўрганиб, Бойсун, Денов, Ангор, Сариосиё, Узун туманларида 100 дан ортиқ янги археологик ёдгорликларни аниқлади, рўйхатга олди. Ангор туманидаги «Таллимарон-1», «Таллимарон-2», Жарқўрғон туманидаги «Жартепа» сингари ёдгорликларнинг Кушон даврига оид ноёб топилмалари ҳудуднинг тараққиёт босқичларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётир.

– Янги археологик ёдгорликлардан ҳам Кушон даврига мансуб кўплаб ҳайкалтарошлик буюмлари, турли тарихий даврларга оид қадимги тангалар, ўрта асрлар ҳунармандчилиги намуналари ва шиша буюмлар топилаётгани олимлар, илмий тадқиқотчилар учун муҳим янгилик бўлмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги археологик тадқиқотлар институти ва Термиз археология музейи катта илмий ходими, «Ўзбек-Француз-Бақтрия» экспедицияси илмий раҳбари Т. Аннаев. – Бундай ноёб топилмалар ҳудуднинг ўтмишдаги юксалиш босқичларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ҳамкорликдаги илмий изланишларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ёдгорликлардан қазиб олинаётган топилмалар Термиз археология музейи кўргазмалар залида намойиш этилиб, музей фондида сақланмоқда. Масалан, эски Термиз ҳудудидаги «Чингиз-2» ёдгорлигидан бадхисат ва нилуфар гули кўтариб бораётган аёл акс эттирилган ҳайкаллар мажмуи топилди. Буддавийлик дини билан боғлиқ бу топилмада аёлнинг қўлда нафис гул билан қаергадир кетаётгани акс эттирилган. Ушбу топилма ҳам музей фондидан ўрин олган.

«Ўзбек-Француз-Бақтрия» экспедициясига Термиз давлат университети олимлари ва талабалари, Термиз археология музейи ходимлари ҳам жалб этилгани илмий ходимлар учун муҳим мавзу бўлмоқда. Ёш олимлар илмий ишларини муваффақиятли ёқлашида муҳим аҳамият касб этаётир.

Халқаро экспедиция аъзолари томонидан олиб борилаётган изланишлар натижалари жаҳон миқёсида, айниқса, Европа давлатларида тарғиб қилинаётгани хорижда қадимий Сурхон воҳасига қизиқишни янада оширмоқда. Хусусан, икки мамлакат олимлари ҳамкорлигида нашр этилаётган «Археология хабарлари» оммабоп журналининг икки сони бевосита Сурхондарёнинг қадимий ва ўрта асрлар тарихи ҳамда маданиятига бағишланди. Ўзбекистонлик Ш. Пидаев, Т. Аннаев, франциялик П. Лериш, Ж. Фуссман каби археолог олимлар ва илмий тадқиқотчилар ҳамкорлигида эски Термиз ёдгорлиги ҳамда унинг бой тарихига бағишланган қизиқарли мақолалар чоп этилди. Дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотаётган бу эзгу ишлар ҳудудга сайёҳлар оқимини кўпайтиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қайд этиш жоизки, икки мамлакат ўртасида кўплаб соҳаларда тенг шериклик тамойилига асосланган ҳолда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Давлатларимиз ўртасида, айниқса, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий, илмий-гуманитар соҳаларда кенг ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, бундан ҳар икки давлат ҳам манфаатдордир.

Франция Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқидаги энг муҳим шерикларидан бири бўлиб, 2017 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 251,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бироқ, бу кўрсаткич кейинги икки йилда сезиларли даражада ошган бўлса-да, ҳали мавжуд имкониятлардан анча паст.

Бугунги кунда «Эйрбус», «Текнип», «Обертюр», «Талес», «Сериннов», «Комау Франс» каби ўнлаб француз компаниялари мамлакатимизда турли савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Икки томонлама муносабатлар нафақат савдо-иқтисодий, балки сиёсий, маданий, илмий-маърифий ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳам жадал ривожланмоқда. Юртимизга энг кўп сайёҳ айнан Франциядан ташриф буюриши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон – Франция муносабатларидаги муштаракликни мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч тобора ортиб бораётганида кўриш мумкин. Давлатларимизнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган кўпгина муаммоларни ҳал қилиш борасидаги позицияси ҳам бир-бирига яқин. Икки мамлакатнинг халқаро сиёсий майдонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдираётган муносабати, низоларни тинч йўл билан ҳал этишга бўлган интилиши бунга яққол далилдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига кўра ушбу мамлакатга расмий ташрифи Ўзбекистон – Франция алоқаларини янги босқичга кўтаришда муҳим амалий қадам бўлиши муқаррар. Президентимизнинг Европа қитъасига биринчи ташрифи ҳисобланган ушбу сафар давомида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда қатор битим ва шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

Бу воқеа тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилиш, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, бизнес-тузилмалар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай имконият яратиши шубҳасиз. Қолаверса, Франция, у орқали бутун Европа жамоатчилиги эътиборини мамлакатимизда юз бераётган кенг кўламли ўзгаришлар натижаларига қаратиш имконияти пайдо бўлади.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари.**



Асака туманида 24 умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаси ҳамда 3 қишлоқ оилавий поликлиникасини таъмирлаш, инфратузилмасини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.



Халқ билан мулоқот

# Муаммолар: таҳлил ва ечим

Халқ депутатлари Асака тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида маҳалла ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, фуқароларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, парламент, ҳокимлик, давлат бошқаруви органлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Аҳоли бандлиги, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

Асака туманида 2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурига мувофиқ 2 минг 142 иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Ўтган даврда 1 минг 464 иш ўрни яратилган.

Истиқболли лойиҳалар доирасида маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги корхоналар ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, тадбиркорларга ҳар томонлама кўмаклашиш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан туманда 208 та бўш турган бино, қурилиши тугалланмаган объект ва фойдаланилмаётган ер майдонлари мавжудлиги аниқланган. Улардан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Асака автомобилсозлик коллежининг фойдаланилмай турган ишлаб чиқариш биноси электрокаралар ишлаб чиқариш заводи қуриш учун Жанубий кореялик инвесторга берилган.

Туманда аҳолига суюлтирилган газ етказиб берувчи «Ширин газ сервис» МЧЖ томонидан Германия технологияси асосида йилига 60 минг дона пропан газ баллони ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилиши бошланган.

Ҳар икки йирик лойиҳанинг ишга туширилиши аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Сессияда шу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтариш, муаммоларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли вазифалар топширилди.

Туманда коммунал хизмат кўрсатиш, жумладан, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларида камчиликлар мавжудлиги танқид қилинди. «Бобур», «Ҳамдўстлик», «Байналмилал», «Барака» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги қатор кўп қаватли уйларнинг том, фасад қисмлари таъмирланиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланган бўлса-да, бу борада қилинадиган ишлар кўплиги қайд этилди.

Республика ишчи гуруҳи ўрганишлари давомида тумандаги 74 маҳалла фуқаролар йиғинидаги 53 мингдан ортиқ хонадонда, ижтимоий ва бошқа объектларда 3 минг 500 дан кўп муаммо аниқланди, уларнинг 2 минг 610 таси ёки 73,4 фоизи жойида ҳал этилди.

Эргашобод маҳалласи ҳудудидаги Соҳибкор массивида коммунал, транспорт ва ижтимоий инфратузилма яхши ривожланмагани, айниқса, ичимлик суви масаласи ўта ачинарли аҳволда экани аниқланган. Айни пайтда ушбу ҳудуд аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш учун 1,2 километр узунликда тоза ичимлик суви тармоғи тортиш, кўтарма насос ўрнатиш, 1 километр масофадаги ички йўлларни таъмирлаш, мактаб филиали ҳамда мактабгача таълим муассасаси барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

Умуман, туманда 139 та ер ости сув қудуғи ва 30 та сув минораси мавжуд бўлиб, улардан 34 та сув қудуғи, 28 та сув минораси яроқсиз ва таъмирга муҳтож. 2018-2021 йилларда ана шу қудуқ ва сув минораларини таъмирлаш режалаштирилди.

Бундан ташқари, туман ҳудудидаги 896 километрлик ички йўлларнинг 298 километри таъмирталаб экани аниқланган. 2018 йил манзилли дастурига асосан Ғанчиюз, Гумбаз маҳаллаларидаги қатор кўчаларга шағал ётқизилди, Қадим-Қипчоқ йўлининг 4 километр қисми асфальтланди. Бу борада амалга ошириладиган ишлар юзасидан «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

Туманда 24 умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаси ҳамда 3 қишлоқ оилавий поликлиникасини таъмирлаш, инфратузилмасини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Табиий газ, газ баллони, кўмир таъминоти, уй-жой, соғлиқни сақлаш, бандлик ва бошқа йўналишларда аниқланган муаммоларни бартараф этишга тумандаги секторлар раҳбарлари алоҳида эътибор қаратиши, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриши зарурлиги таъкидланди.

Сессияда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Худди шундай сессиялар Андижон ва Избоскан туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Сессиялар ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**


## Приглашение на участие в конкурсных торгах

**Республика Узбекистан**
**Проект «Строительство современных сельских домов» (Фаза-2)**
**с участием Исламского банка развития**
**Строительство подъездных и внутримассивных дорог**
**Форма финансирования:** «Истисна'а»
**ПРОЕКТ №УЗБ-1001.**
**№ контракта/тендерных торгов ИБР-2018/3**
